

УДК 338.2

DOI: 10.56937/v2i10a11

Явмутов Дилишод Шойимардонкулович

Бухоро давлат университети Иқтисодиёт ва туризм факультети декани, и.ф.н., доцент.

Бурхонов Жавоҳирбек Хуришд ўғли

БухДУ Иқтисодиёт мутахассислиги 2- босқич магистранти.

Каримова Камола Саъдуллаевна

УрДУ География мутахассислиги 2- босқич магистранти.

ЯШИЛ ИҚТИСОДИЁТНИ ҚЎЛЛАШДА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЖОРИЙ ҚИЛИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация: Мақолада глобал экологик муаммолар кучайган даврда яшил иқтисодиётни қўллаш орқали барқарор ўсишга эриш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлил қилинган ва уларнинг тажрибасидан Ўзбекистон шароитида фойдаланишнинг устувор йўналишлари тадқиқ қилинган. Ўзбекистон ва унинг минтақалари иқтисодиётини экология талабалари нуқтаи назаридан қайта ташкиллаштириш, шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: экологик муаммо, яшил иқтисодиёт, хориж тажрибаси, атроф-муҳит муҳофазаси, барқарор ривожланиш, минтақа.

Кириш. Жаҳон мамлакатлари иқтисодиёти интеграциялашиши кучайиб бориши, ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, аҳоли сонининг ортиб бориши билан бирга атроф муҳитга жамият ва иқтисодиёт тармоқлари томонидан салбий таъсирлар ортиб бораверади. Ҳозирги кунда инсоният атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммолар, экология билан боғлиқ муаммоларнинг муҳим, ҳал қилувчи жараёнларини бошдан кечирмоқда. Агарда инсоният атроф муҳит муҳофазаси билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилиш, уларнинг салбий таъсирларини камайтириш учун ҳозирда аниқ ва мақсадли ҳаракатларни амалга ошириб, уларнинг ижобий томонга ўзгаришига сабаб бўлувчи чораларни кўрмаса, бундан кейин кечга қолдирилган ҳар бир жараён қайтариб бўлмас оқибатларга олиб келади. Яъни қисқа қилиб айтганда, ҳозир инсоният экологик муаммоларни ҳал этишнинг бурилиш нуқтасида турибди, ушбу нуқтадан кейин фаолият кейинчалик ўзгартириб бўлмас оқибатларга олиб келади, агар ҳозирдан аниқ мақсадлар сари ҳаракат қилинса, унда ушбу йўналишда қандайдир ижобий натижаларни қўлга киритиш мумкин.

Ҳозирга қадар амал қилиб келган иқтисодий ривожланиш моделлари ресурсталаб ва меҳнат талаб ишлаб чиқаришга асосланган бўлганлиги боис атроф муҳитга, табиатга катта зарар етказиб келинди. Яъни, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлардан кўрилаётган ижтимоий самара табиатга етказилган зарар оқибатида юзага келаётган ижтимоий зарардан пастлиги билан ажралиб турган. Мамлакатлар ва минтақаларда ишлаб чиқариш экологик хавф-хатар нуқтаи назаридан минималлашмаган эди.

Ковид-19 пандемияси ҳозирги замон иқтисодий моделлари жаҳон иқтисодиёти олдида турган ижтимоий-иқтисодий муаммоларни еча олмаслигини кўрсатди. Шу сабабдан замонавий иқтисодий муаммоларни ечишда яшил иқтисодиёт модели асосий омил бўлиб саналади. Дунёнинг кўплаб давлатлари бунини тушуниб етган ҳолда иқтисодиётини экологиялаштиришга ўтишмоқда. Ўзбекистонда ҳам экологик муаммолар ўзининг салбий таъсирларини иқтисодиётнинг турли тармоқлари самарадорлигида, аҳолининг саломатлиги кўрсаткичларида, ҳудудларнинг ривожланиш даражаларида намоён қилиб келмоқда. Ушбу муаммоларни ечишда, таъсирини камайтиришда минтақалар иқтисодиётини, ишлаб чиқаришини экологиялаштириш муҳим йўналишлардан саналади. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон ва унинг минтақалари иқтисодиётини экология талабалари нуқтаи назаридан

қайта ташкиллаштириш, шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда қўллаш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас, долзарб масалаларидан саналади.

Мамлакатимизда барқарор ривожланишни таъминлаш, чекланган, такрор ишлаб чиқарилмайдиган иқтисодий ресурслардан оқилона фойдаланишда ва энергия самарадорлигини оширишда “яшил иқтисодиёт”нинг ривожланиши етакчи ўрин эгаллаб бормоқда. Миллий ва минтақавий иқтисодиётни инновацион ривожланиш йўлига ўтказишда “яшил иқтисодиёт”нинг шаклланиши, ривожланиш қонуниятлари ва уни амал қилишининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий адабиётларда яшил иқтисодиёт, иқтисодиётни экологиялаштириш масалалари унча узоқ бўлмаган даврдан бошлаб тадқиқ қилиб келинмоқда. Иқтисодиётни экологиялаштириш муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар олиб борган хорижий олимларга Annon (1996, 2001), Asafu-Adaye J. (2005), Biely K. (2014) Boulding K.E. (1966), Brown L. (2001), Cai W. Wang C., Chen J. & Wang S. (2011), Cato Molly (2009), Cook S., Smith K. & Utting P. (2012), Costanza R. (1991, 1997), Friedman T.L. (2009), Georgescu-Roegen N. (1978), (1993), Goodstein E. (1999), Hamilton K.&G. Ruta (2006), Heal G. (2012), Hey C. (2005), Hobson K. (2013), Howarth R.B. (1997), Jacobs M. (1991), Jänicke M. (2011), Khor M. (2011), Martínez-Alier J. & Muradian R. (2015), Milani B. (2000), Newton A.C. & Cantarello E. (2014), Rehbinder E., Stewart R.B. & Del Duca P.L. (1985), Smulders S., Toman M. & Withagen C. (2015), Van den Bergh J. (2001, 2010) ларни кўрсатишимиз мумкин.

МДХ давлатлари олимларидан бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борганлар сифатида Т.А. Акимова, А.Г. Банников, М.М. Бринчук, В.К. Донченко, М.Ф. Замятина, М.Н. Игнатьева, Н.Н. Лукьянчиков, А.Д. Малинин, Ю.В. Новиков, Ю.П. Одум, Ю.Б. Осипов, И.М. Потравный, Н.В. Пахомова, Н.Б. Прохорова, В.М. Разумовский, Н.Ф. Реймерс, Т.В. Рогова, А.С. Степановских, В.В. Хаскин, С.В. Яковлев, Я.Я. Яндыганов ва бошқаларни кўрсатиш мумкин.

Минтақавий даражада Г.Е. Мекуш, А.М. Адам, М.В. Терешиналар тадқиқотлар олиб боришган. В.И. Вернадский, Н.Н. Моисеев, Д.Х. Медоуз, Н.Ф. Реймерс, А.А. Григорьев, К.С. Лосев асарларида экологик сиёсатнинг замонавий тамойиллари масалалари кўрилган.

Юқоридаги олимларнинг фаннинг, илмий соҳанинг ривожланишига қўшган улкан ҳиссасини эътироф этган олда таъкидлаймизки, Ўзбекистон шароитида, айниқса, минтақалари иқтисодий ривожланишида ҳудудий хусусиятларни инобатга олган ҳолда экологик муаммоларни бартараф қилишда иқтисодиётни экологиялаштириш масалаларининг илмий-услубий асослари етарли даражада ишлаб чиқилмаган, уни жорий қилишнинг замонавий ривожланиш тенденциялари тадқиқ қилинмаган.

Мазуга оид адабиётлар таҳлили. А.В.Ваҳобов Ш.Х.Ҳожибокиевнинг “Қайта тикланадиган энергия истеъмолининг таркиби ва ривожланиш истиқболлари” мақоласида тикланадиган энергия истеъмолининг ҳолати, таркиби ва ривожланиш истиқболлари тадқиқ этилган. “Яшил энергетика”ни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган ва ундан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари аниқланган [1] .

В.А.Похвошев ўзининг “Россиянинг ижтимоий тараққиётида “яшил иқтисодиёт” номли мақоласида “яшил иқтисодиёт” ва унинг Россия Федерацияси ижтимоий тараққиётидаги ўрни ва аҳамияти очиқ берилган. Муаллифлар яшил иқтисодиётнинг шаклланиши ва унинг Россия ва жаҳон тажрибасида амалда шаклланиши анъаналарини, истиқбол ривожланиши, экологик хизматлар ва маҳсулотлар тармоғининг жаҳон ва Россия тажрибасини таҳлил қилишган [2] .

М.М.Давлетова ўзининг “Марказий Осиё минтақаси шароитида яшил иқтисодиётнинг шаклланиши ва ривожланиши” номли тадқиқот ишида Марказий Осиё минтақаси шароитида яшил иқтисодиёт концепциясининг назарий-концептуал асосларини, шаклланиши ва ривожланишининг асосий тамойиллари, хорижий тажрибани Марказий Осиё давлатларида қўллаш масалалари бўйича тақиқот олиб борган [3].

Е. А. Лясковская, К. М. Григорьеваларнинг “Яшил иқтисодиёт” моделига ўтишнинг худудий имкониятлари диагностикаси” мақоласида яшил иқтисодиёт ва яшил ўсишнинг асосий концепцияси, яшил инновациялар ва яшил иқтисодиётнинг барқарор ўсишга таъсири, хорижий мамлакатларда яшил иқтисодиётга ўтишнинг тажрибаси таҳлил қилинган [4].

А.М.Родригес “Барқарор ўсиш муаммолари контекстида яшил иқтисодиёт” номли тадқиқот ишида тадқиқот ишида иқтисодиёт ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатлари ва уларнинг ҳолати, экологик йўналтирилган иқтисодиёт асосини ташкил этиши асосланган, яшил иқтисодиёт генезиси ва унинг молиявий инкирозлар оқибатида тобора кескинлашаётган экологик муаммоларни бартараф қилишдаги аҳамияти, яшил иқтисодиёт ва атроф муҳитни ҳар томонлама чуқур тадқиқ қилиш натижасида иқтисодиётни экологиялаштириш бўйича янги илмий ёндошувларни яратиш йўллари, барқарор ривожланишда иқтисодиётни экологиялаштиришнинг аҳамиятини тадқиқ этган [5].

Н.Н.Яшалова “Минтақанинг барқарор экологик-иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш” номли тадқиқотида барқарор ривожланиш жараёнида экологик омилларнинг ўрни, экологик-иқтисодий ривожланишда барқарорликка эришишда яшил иқтисодиётнинг аҳамияти, минтақада ишлаб чиқаришни экологиялаштиришнинг умумий барқарор ривожланишдаги ўрни тадқиқ қилинган ҳамда минтақавий иқтисодий-экологик барқарор ривожланишга таъсир этувчи омиллар асосланган ва таснифланган [6].

“Европа Иттифоқининг Шарқий ҳамкорлик мамлакатларида иқтисодиётни экологиялаштириш ЕаР GREEN) дастури” ахборотида Арманистон, Беларус, Грузия, Молдова, Озарбайжон, Украина давлатларида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини яшил иқтисодиёт тамойиллари асосида ошириш, мамлакат табиий капиталини бошқаришда, маъмурий бошқарувда, атроф-муҳит муҳофазаси сиёсатида яшил иқтисодиётни устувор йўналиш сифатида қўллашнинг натижадорлиги тадқиқ этилган [6].

В.Подгорный, Ф.А.Шуленбаева “Қозоғистон қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда “яшил иқтисодиёт”дан фойдаланиш” номли тадқиқотида атроф-муҳит муҳофазаси, қишлоқ хўжалик ерларининг деградациясини ўрганиш бўйича амалга оширилган халқаро дастурлар асосида халқаро тажриба ўрганилган, “яшил иқтисодиёт” тамойиллари асосида Қозоғистон қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинган [7].

Ж.Б.Смагулова, А.Е.Муханова, Г.И.Мусаевалар “Яшил иқтисодиётга ўтишнинг жаҳон тажрибаси таҳлили: иқтибослар ва йўналишлар” номли тадқиқот ишида жаҳон иқтисодиётида яшил иқтисодиётнинг ўрни, унинг ривожланиш тенденциялари, хорижий малакатлар ва минтқалардан яшил иқтисодиётга ўтишнинг тажрибаси, бу тажрибанинг ютуқ ва камчиликлари борасида фикр юритилади [8].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот давомида тизимли таҳлил, статистик таҳлил, қиёсий таққослаш, синергетик таҳлил, фанлараро ёндошув методларидан фойдаланилди. Айниқса, мавзуга оид адабиётлар ва манбаларни таҳлил қилишда тизимли таҳлил услубидан, хорижий давлатларнинг тажрибаси таҳлилида қиёсий таҳлил услубидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётни экологиялаштириш, мамлакат хўжалигини яшил иқтисодиёт асосида ривожлантириш иқтисодиётнинг замонавий модели сифатида унча кўп бўлмаган даврда пайдо бўлган бўлсада, қисқа муддат ичида жаҳон иқтисодиётининг амалдаги моделларига нибатан глобал экологик ва иқтисодий инкирозлар даврида устунликка эгалигини кўрсатмоқда. Ҳозирда иқтисодий ривожланган давлатларда бунинг натижасини илмий-тадқиқот ишларида ва амалиётда кўришаётганлиги юоис, иқтисодиёт ва унинг турли тармоқларида, мамлакатнинг турли минтақаларида кенг қўламларда жорий қилишмоқда. Энергосамарали ва табиий инфратузилмага йўналтирилган инвестициялар аллақачон ўз самарасини бера бошлади.

Яшил иқтисодиёт – иқтисодий фанлар тизимидаги сўнгги 20-30 йил ичида пайдо бўлган янги йўналиш бўлиб, унинг мазмуни иқтисодиётни табиатнинг бир компоненти сифатида унга боғлиқ ҳолда мавжудлигини изоҳлайди. Яшил иқтисодиёт назарияси учта аксиомага асосланади, яъни, чекланган табиий маконда таъсир доирасини чексиз кенгайтириш имконсизлиги, ресурслар чекланган шароитда чексиз ўсиб бораётган истакларни қондириш мумкин эмаслиги, Ер юзасидаги барча нарсалар ўзаро боғланганлиги. Доимий иқтисодий ўсишга эришиб бориш имконсиз, доимий иқтисодий ривожланишга эришиш мумкин.

Айрим иқтисодчилар ҳозирда устунликка эга иқтисодий тизимлар ҳар жабҳага жавоб бера оладиган даражада мукаммал эмаслигини таъкидлашмоқда. Бу тизимлар айрим гуруҳ мамлакатлар ва айрим қатлам аҳолининг иқтисодий ва ижтимоий фаровонлигини оширишга сабаб бўлаётган бўлсада, бироқ, унинг атроф-муҳит ва табиатга етказётган зарари бу фойдадан анча устунлиги кўриниб қолмоқда. Айниқса, бунинг оқибатида юзага келаётган ҳудудлардаги кенг қамровли камбағаллик, табиий капиталнинг исроф қилиниши, ичимлик суви, озиқ овқат ва энергиянинг етишмаслиги, инсонлар ва мамлакатлар ўртасидаги тенгсизлик, йирик экологик муаммолар шулар жумласидан. Ушбу муаммоларни бартараф қилиш ва инсониятни тараққий эттириш учун яшил иқтисодиётга ўтиш талаб этилади. Турли минтақаларда турли мамлакатлар яшил иқтисодиётга ҳар хил масштабда ва йўналишларда ўта бошлашган. Уларнинг бу борадаги тажрибасни ўрганган ҳолда, бу йўналишдаги ижобий тенденцияларни аниқлаштириш, яшил иқтисодиётга ўтишнинг салбий оқибатларини таҳлил қилиш, натижаларни солиштириб, мамлакатларнинг тажрибасининг Ўзбекистонга мос жиҳатларини тадқиқ этиш ушбу тадқиқотнинг мақсади саналади.

Яшил иқтисодиёт БМТнинг атроф-муҳит бўйича Дастури (ЮНЕП)нинг ғояси сифатида 2008 йилда қабул қилинган [8].

Жаҳон ҳўжалигини ижтимоий, иқтисодий ва экологик жиҳатдан ўсишнинг барқарор модели сифатида яшил иқтисодиётга қайта йўналтириш учун амалга оширилдиган таркибий ислохотлар билан уйғунлаштириш лозим. Экспертлар яшил иқтисодиётни жорий қилиш орқали ЯИМ ўсиши ва иқтисодий тараққиётга эришиш билан боғлиқ ислохотларни қуйидаги тўртта йўналишда амалга оширишни тавсия қилишади.

Биринчидан, яшил иқтисодиётга ўтиш табиий ва инсон капитали истеъмол ресурсларини оширишга қодир, яъни, табиий капиатални самарали бошқариш ва инсон салоҳияти ошиши эвазига табиий атроф-муҳитнинг ҳолати яхшиланиши, бунинг оқибатида табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги ортади.

Иккинчидан, бу ўзгаришлар ижобий таркибий ўзгаришлар билан бир қаторда таркибий, базавий тармоқларда, жумладан, энергетика, қурилиш, қишлоқ ҳўжалиги, маиший соҳа ва бошқаларда катта миқдордаги инвестицияни талаб қилади, оқибатда иқтисодиётнинг базавий тармоқларида самарадорликнинг ортишига олиб келади.

Учинчидан, яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида мустақил равишда инвестициялар ажратилади, асосан, сув таъминоти тизими, канализация тармоқлари, жамоат транспорти каби муқобил энергия талаб қилувчи тармоқларга йўналтирилади.

Тўртинчидан, яшил иқтисодиётга ўтиш инновацион фаолиятни рағбатлантиради, бунинг оқибатида рақобат муҳити кучаяди. Инновацион самара ортади [10].

Яшил иқтисодиётни устувор йўналиш сифатида жорий қилган айрим давлатлар тажрибасини таҳлил қиламиз.

Яшил иқтисодиётни жорий қилиб, ундан самарали фойдаланаётган, бу соҳада етакчилар давлатлардан бири Жанубий Корея саналади. Ушбу мамлакатда 2011 йилдан бошлаб ҳар йили ЯИМнинг 3 фоизи, яъни 60 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағ яшил секторни ривожлантиришга йўналтирилмоқда. Ўтган давр мобайнида ушбу секторда 1,8 млн янги иш ўрни яратилган. Яшил иқтисодиётни миллий стратегия сифатида қабул қилган Жанубий Корея асосий эътиборни саноатга, энергетикага, инвестицияга,

транспортнинг яшил турларига, ичимлик сувининг муқобил манбааларига, чиқиндиларни қайта ишлашга, истироҳат боғларини ривожлантиришга, шаҳарлардаги дарёларнинг тозаллигига қаратмоқда. Вазирликлар амалга ошираётган турли дастурлар бюджет харажатларини ортиқча сарфламаслик мақсадида ягона пакетга бирлаштирилган. 2011 йилдан бошлаб Жанубий Кореяда “яшил” товарлар ва хизматлар истеъмолини рағбатлантириш мақсадида “яшил” тўлов карталари жорий қилинган.

АҚШда яшил иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналиши сифатида муқобил энергетикани самарали ташкил этишдан бошланган. Мазкур мақсадда давлат дастури қабул қилинган бўлиб, 2030 йилда мамлакат бўйлаб ишлаб чиқарилаётган энергиянинг 65 фоизи қуёш панеллари ёрдамида яратишга эришиш режалаштирилган. 2014 йилдан бошлаб ҳар бир шататда яшил иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз ҳудудий дастурлари қабул қилинган. 2016 йилдан кейинги 10 йил учун экологик тоза технологияларни ривожлантириш ҳамда экологик вазиятни яхшилашга мўлжалланган дастур асосида инвестициялар ажратилмоқда. Мазкур дастур асосида 10 млн янги иш ўрни яратиш режалаштирилган.

Европа Иттифоқининг барча аъзо давлатларида яшил иқтисодиётни ривожлантиришга мўлжалланган дасурлар қабул қилинган. Энергетика, жамоат транспорти ва инфратузилма, қурилиш, чиқиндиларни утилизация қилиш йўналишларида дастабки йўналишлар сифатида танланган ва ҳозирга қадар анча ҳажмдаги ишлар амалга оширилган.

2019 йил декабрда Европа Иттифоқида “Европа яшил йўли” дастури қабул қилинди. Унга асосан 2050 йилга минтақада углерод нейтраллигига эришиш, 2030 йилга қадар иссиқхона газларини 1990 йилдагига нисбатан 55 фоизга камайтириш, экологик тоза технологияларни инвестициялаш, жамоат транспортининг нисбатан тоза ва арзон турларини қўллаш, инновацияларни жорий қилишни рағбатлантириш мақсадида саноатни қўллаб-қувватлаш, энергетика секторини декорбанизациялаш, биоларнинг энергия самарадорлигини ошириш каби тадбирлар амалага ошириш белгиланган.

Европада автомобилдан чиқаётган зарарли газлар бўйича Евро-6 стандарти қабул қилинган бўлиб, 2025 йилдан Европа автомобил саноатида Евро-7 стандартини жорий қилиш режалаштирилган. Евро-7 стандартига асосан ички ёнув двигателига эга автомобилларни ишлаб чиқаришга тақиқ қўйилади.

Яшил иқтисодиётни жорий қилиш ва уни иқтисодиётнинг турли тармоқларида самарали ривожлантириш соҳасида Хитой анча натижаларга эришган. Иқтисодиёт тармоқларининг тез суръатларда ўсиши, аҳолининг зичлиги юқорилиги, табиий ресурсларнинг чекланганлиги, қатор экологик муаммоларнинг юзага келганлиги Хитой иқтисодиётини яшил иқтисодиётга ўтишини талаб қилади. Хитойнинг яшил иқтисодиётга ўтишда дастабки урғуни қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни ошириш, мамлакат энергия балансида муқобил энергиянинг улушини ошириш, аҳолини тоза ичимлик суви ва тоза атмосфера ҳавоси ҳамда хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш, экологик маданиятни шакллантириш йўналишларида олиб боришга йўналтирди. 2020 йилда 15 фоиз электр энергия қайта тиклануви манбалардан олинган. 2011-2015 йилларда 2 мингдан ортиқ экологик зарарли корхоналар мажбурий равишда тугатилди.

Хитой энергиятежамкор ва қайта тикланувчи энергетикага АҚШ ва ЕИ давлатларига нисбатан бир неча баробар ортиқ миқдордаги давлат инвестицияларини жорий қилиб келмоқда. Бунинг оқибатида Хитой компаниялари 2020 йил ҳолатида жаҳонда ишлаб чиқарилаётган қуёш батареяларининг 50 фоизга яқинини ва шамол двигателларининг 25 фоизини экспорт қилмоқда. Ҳозирги даврда нанотехнологияларга катта эътибор қаратилган. 2022 йил бошда мамлакатда электромобиллар ишлаб чиқариш 45 фоизга ўсди ва ҳозирда Хитой электромобиллар ишлаб чиқаришда жаҳон етакчисига айланиб улгурди, жаҳон бозорининг 60 фоизидан ортиқ электромобиллари ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилади. Хитой 2035 йилгача автомобил паркини 100 фоизга яшиллаштиришни режалаштирган.

Ўзбекистон яшил иқтисодиётга ўтиш учун катта имкониятларга эга. Бунга ҳудуднинг табиий-экологик шароити ва ресурслари, мамлакат иқтисодиётининг ривожланиш кўрсаткичлари, мавжуд молиявий-иқтисодий ресурсларни кўрсатиш мумкин. Табиий-иқлимий шароит республикада муқобил энергия манбаларининг улкан захираси мавжудлигини кўрсатади. Қуёш энергиясининг юқорилиги, саноат ривожланган ва аҳоли манзилгоҳлари атрофида кенг майдонларнинг мавжудлиги қуёш энергиясидан фойдаланиш имкониятларини оширади. Шунингдек тоғ олди ҳудудлари ва воҳа ҳамда чўл ҳудудларидаги буфер зоналарда доимий шамолларнинг мавжудлиги шамол энергияси имкониятлари мавжудлигини кўрсатади [11].

Ўзбекистонда яшил иқтисодиётга ўтиш бўйича дастлабки жараёнлар бошланган, бу борада ҳукукий асослар шакллантирилиб борилмоқда, қатор фармон ва қарорлар расмийлаштирилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019-2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтиш стратегияси тасдиқлаш” тўғрисидаги, 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари шулар жумласидан. Ушбу ҳукукий-меъёрий ҳужжатларга асосан 2030 йилгача қуйидаги стратегик мақсадларга эришиш мўлжалланган [12].

- иссиқхона газларининг ялпи ички маҳсулот бирлигига нисбатан солиштирма ажратмаларини 2010 йилдаги даражадан 35 фоизга қисқартириш;
- қайта тикланувчи энергия манбаларининг ишлаб чиқариш қувватини 15 ГВтга ошириш ва уларнинг улушини электр энергиясини ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 30 фоизидан кўпроғига етказиш;
- саноат соҳасида энергия самарадорлигини камида 20 фоизга ошириш;
- ялпи ички маҳсулот бирлигига тўғри келадиган энергия сарфи ҳажмини, шу жумладан, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига 30 фоизга камайтириш;
- иқтисодиётнинг барча тармоқларида сувдан фойдаланиш самарадорлигини сезиларли даражада ошириш, 1 миллион гектаргача майдонда сув тежовчи суғориш технологиясини жорий этиш;
- йилига 200 миллион кўчат экиш ва кўчатларнинг умумий сонини 1 миллиарддан ошириш орқали шаҳарлардаги яшил майдонларни 30 фоиздан ортиқроққа кенгайтириш;
- республика ўрмон фонди захиралари кўрсаткичини 90 миллион куб метрдан ортиқроққа етказиш;
- ҳосил бўладиган қаттиқ маиший чиқиндиларни қайта ишлаш даражасини 65 фоиздан ошириш;
- 2023 йил 1 июндан бошлаб маҳсулотларни ишлаб чиқаришда экология ва атроф-муҳитга таъсирни чеклаш бўйича қўйилаётган талаблар асосида “яшил сертификатлар” тизими жорий этиш;
- иссиқхона газларининг чиқарилишини давлат томонидан ҳисобга олиш ва уларнинг давлат кадастрини юритиш;
- углерод бирликларининг реестрини шакллантириш ва юритиш;
- иқтисодиёт тармоқлари кесимида иссиқхона газлари чиқарилишини қисқартиришнинг мақсадли кўрсаткичларини белгилаш;
- иссиқхона газларининг чиқарилишини қисқартириш бўйича фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;
- 2024 йил 1 январдан бошлаб барча иссиқхона газларини қамраб олувчи Иқлим ўзгариши соҳасида мониторинг, ҳисобот бериш ва текширишнинг замонавий тизими (MRV) йўлга қўйиш;
- тармоқ ва ҳудудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш доирасида тармоқлар ва ҳудудларнинг иқлим ўзгаришига нисбатан сезувчанлиги хусусиятларидан келиб чиқиб,

аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларига иқлим ўзгариши таъсирини камайтириш ҳамда унга мослашиш чора-тадбирлари ва инвестиция лойиҳалари қамраб олиш;

– 2023 йил 1 июлга қадар “ифлослантирувчи тўлайди” тамойилини тўлиқ жорий этиш;

– “яшил” иқтисодиёт соҳасидаги устувор йўналишлар бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотларни олиб бориш;

– иқтисодиёт тармоқларида “яшил” технологиялар, хусусан, ресурс тежовчи, чиқиндисиз ишлаб чиқариш, чиқиндиларни қайта ишлаш имкониятини берувчи технологияларни ва хавфсиз кимёвий моддаларни қўллашга ўтиш ҳамда қайта тикланувчи энергия технологияларидан фойдаланиш имкониятларини ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;

– истиқболли инновацион ишланмалар ва “стартап” лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда уларни тижоратлаштириш ва технологиялар трансферини қўллаб-қувватлаш каби чора-тадбирлар мўлжалланган.

Муаллифлар Ўзбекистон шароитида ҳозирда, дастлабки даврда яшил иқтисодиётни жорий қилиш ва ривожлантириши йўналишлари сифатида қуйидагиларни тавсия қилади:

Чиқиндиларни утилизация қилиш соҳасида. Ушбу секторда тезкорлик билан яшил иқтисодиёт тамойилларини жорий қилиш талаб этилади. Бу ўз навбатида атроф-муҳитнинг ифлосланиши муаммоларини камайтириши билан бирга, инсонлар саломатлиги билан боғлиқ муаммоларнинг ҳам камайишига олиб келади;

Табиий ресурслардан (ер, сув, биологик, атмосфера) фойдаланиш соҳасида. Табиий ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ресурстежамкор технологияларни жорий қилиш талаб этилади. Бунда озиқ овқат ва сув хавфсизлиги, экологик соф маҳсулот ишлаб чиқариш масалалари ҳам қисман ечим топади;

Энергетика соҳасида. Мамлакатда 2022-2023 йилги қиш мавсумида кузатилган энергетика инқироzi каби муаммоларнинг ечими сифатида мамлакат минтақаларида муқобил энергия манбаларини ошириш, мавжуд энергия қувватларини модернизациялаш зарур;

Қишлоқ ва сув хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш технологияларини замонавийлаштириш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизациялаш, гидротехник иншоотлар фойдали иш коэффициентини ошириш соҳада катта ҳажмда ресурстежамкорлигига олиб келади;

Жамоат ва шахсий транспорт соҳасида. Транспорт тизимини яшиллаштириш атмосфера ҳавоси масалаларига ечим бўлиши билан бирга энергия истеъмоли тежамкорлигини шакллантиради;

Яшил технологиялар ва яшил ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштиришни кучайтириш, бундай технологияларни жорий қилганлик учун рағбатлантириш тизимни жорий қилиш зарур;

Экологик маданиятни кучайтириш соҳасида. Жамиятнинг турли қатлами иштирокчиларида табиатга муносабат, атроф-муҳит муҳофазаси масалаларида маданиятни ошириб бориш, замонавий ресурстежамкор технологиялар ва экологик маданиятнинг самараси тўғрисида тарғиботларни кучайтириш лозим.

Хулоса ва тақлифлар. Жаҳон тажрибаси кўрсатмоқдаки, яшил иқтисодиёт ҳудудий ва макроиқтисодий ривожланишни таъминлаш билан бирга аҳоли фаровонлигини ошишига, табиий муҳит ва аҳоли саломатлигининг яхшиланишига олиб келади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан маълум бўладики, яшил иқтисодиётни дастлабки ривожлантириш жараёнида устувор тармоқларга эътибор қаратиш ва уларнинг имкониятларини кенгайтирган ҳолда, иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини ҳам яшиллаштириб бориш самарали саналади.

Ўзбекистон яшил иқтисодиётга ўтиш ва уни самарали ривожлантириш учун етарли табиий-иқлимий, экологик, молиявий-иқтисодий, технологик имкониятларга эга. Бу борада етакчи хорижий давлатларнинг тажрибасидан фойдаланилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати:

1. А.В.Вахобов Ш.Х.Ҳожибокиев. Қайта тикланадиган энергия истеъмолининг таркиби ва ривожланиш истикболлари. ACADEMIC JOURNAL OF DIGITAL ECONOMICS AND STABILITY (ISSN 2697-2212)
[HTTPS://ECONOMICS.ACADEMICJOURNAL.IO/INDEX.PHP/ECONOMICS/ARTICLE/VIEW/135](https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/135).
2. В. А. Похвощев, А. В. Лукина. «Зеленая экономика» в социальном развитии России. <https://cyberleninka.ru/article/n/zelenaya-ekonomika-v-sotsialnom-razvitii-rossii>.
3. М.М.Давлетова. Формирование и развитие “зеленой” экономики в условиях стран Центрально-Азиатского региона. <https://tnu.tj/avtorefi/avtorefDavlyatovaMM.pdf>.
4. Лясковская Е. А., Григорьева К. М.. Диагностика региональных возможностей перехода на модель «зеленой экономики». <https://cyberleninka.ru/article/n/diagnostika-regionalnyh-vozmozhnostey-perehoda-na-model-zelenoy-ekonomiki>
5. Аврора Матеос Родригес “Зеленая экономика в контексте проблем устойчивого развития”. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. <https://www.dissercat.com/content/zelenaya-ekonomika-v-kontekste-problem-ustoichivogo-razvitiya>
6. Яшалова Н.Н. Стимулирование устойчивого эколого-экономического развития региона. Автореферат на соискание ученой степени доктора экономических наук. <https://www.prlib.ru/item/684795>
7. ЕаР GREEN дастури”. <https://unece.org/eap-green>.
8. Подгорный В., Шуленбаева Ф.А. Использование "зеленой экономики" для устойчивого развития сельского хозяйства Казахстана <https://ecogofond.kz/wp-content/uploads/2022/08 /ispolzovanie-zelenoj-jekonomiki-dlja-ustojchivogo.pdf>
9. Смагулова Ж.Б., Муханова А.Е., Мусаева Г.И. Анализ мирового опыта перехода к зеленой экономике: предпосылки и направления // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. – 2015. – № 1-1. – С. 92-96; URL: <https://applied-research.ru/ru/article/view?id=6344> (мурожаат вақти: 12.04.2023 й.).
10. Д.Ш.Явмутов, К.С.Каримова. Ўзбекистон иқтисодиётида “яшил иқтисодиёт” тамойиллари жорий қилиш масалалари. Электрон Международный научно-образовательный электронный журнал «Образование и наука в XXI веке». Выпуск №26 (том 7) (май, 2022). – С. 495-502. <https://www.mpcareer.ru/oinv21veke3>
11. Д.Ш.Явмутов, С.Бурхонов. Ўзбекистонда “яшил” иқтисодиётга ўтиш: истикбол йўналишлар ва устувор вазифалар. Электрон Международный научно-образовательный электронный журнал “Образование науки и инновационные идеи в мире”. №10, Часть-2, декабрь, 2022. – Б. 159-168.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 декабрдаги “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг “яшил” иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори. https://uza.uz/uz/posts/2030-yilgacha-ozbekiston-respublikasining-yashil-iqtisodiyotga-otishiga-qaratilgan-islohotlar-samaradorligini-oshirish-boyicha-chora-tadbirlar-togrisida_431596: